

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 8-НОЯБР, ЖУМА, 135 (8216)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Бир пайтлар пахта етиштирилдиган ҳудуд бўлган Мирзачўл саҳролари бугун гўзал боғу роғлар маконига ҳам айланмоқда. Буни тумандаги кўплаб фермер хўжаликларида ўнлаб гектар тоқзорлар барпо этилиб, мўл ҳосил олинаётганида ҳам кўришимиз мумкин.



Бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар эса обод қишлоқларимиз жамолини янада яшнатиб, тараққиёт ва фаровонликдан сўзламоқда. Бу эса ҳар биримизнинг кўнглимизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, янги-янги режалар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимлашга ундамоқда.



Ҳар бир инсон бахти — оиласи бахтиёрлиги билан тўқис. Оила муқаддас кўрғон. Унинг мустаҳкамлиги эса пойдевориға боғлиқ. Оила бунёд этилаётган пайтда қилинадиган тўй ҳам бунда муҳим аҳамият касб этади. Никоҳ тўйларидаги ортикча сарф-харажатлар, урфга қираётган айрим одатларга қилинаётган чиқимлар эндигина барпо этилган оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

► Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тadbirkorлик ва оилавий бизнес, хунармандчилик, касаначилик фаолиятини ривожлантириш, фуқаролар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳамда унинг вилоятдаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

► Андижон вилоятининг Шахрихон туманида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Алфа" хусусий корхонаси иш бошлади. Ойига олти минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонанинг ишга туширилиши билан 15 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

► Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Кичик тағоб маҳалласида замонавий гузар фойдаланишга топширилди. Янги гузар маҳалла фаоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари вакили, профилактика нозир, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масалахатчи фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш имконини беради. Бу ерда улар учун қулай ва шинам иш кабинетлари, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонаси мавжуд.



САЛОМАТЛИК — ОБОДЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР КўЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙИБ, ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолиятининг самардорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, соҳада иш тизимини ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишда дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида яқинда Қорақалпоғистон Республикасида онкология диспансерининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу тиббиёт ходимларига касб байрами арафасида муносиб совға бўлди.

Барча қулайликларга эга икки қаватли бино қурилишини Нукусдаги "Ремонт-электромонтаж" таъмирлаш-қурилиш корхонаси курувчилари амалга оширди. Қисқа фурсат ичида бунёд этилган шифохонанинг биринчи қаватида поликлиника, иккинчи қаватида радиология бўлими жойлашган.

Эллика яқин юқори малакали шифокор ва ҳамшира меҳнат қилган шифохонанинг янги биносида беморларга аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароитлар яратилган. Рентген, компьютер томографияси, УЗИ, фиброэндоскопия каби замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилган.

Президентимизнинг шифокорларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги бизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди, — дейди диспансер бош шифокори Мурод Қурбонов. — Бундай эътибор ҳеч қандай мамлакатда йўқ, десам янглимайман. Бу эътиборни ҳар бир шифокор, қолаверса, ҳар бир инсон фаолиятида кўриб турибди. Кадрлар тайёрлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида ҳам Президентимизнинг эътиборини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси бизга катта руҳий куч ва мадад бағишлайди, фидойиликка, элу юрт хизматиға камарбасталикка чорлайди.

Ислом КАРИМОВ
Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

СУРАТДА: Қорақалпоғистон Республикаси онкология диспансери тиббий ходимлари Сарбиназ Сабурова, Раъно Матсалаева, Гулзода Сатуллаева ва Гулсара Раманова.

Мақсад ҲАБИДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга қўмаклашиш борасида депутатлар корпуси фаолиятини оширишга бағишланган форум бўлиб ўтди.

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbirkor депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар вакиллари, фермерлар қатнашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимиз аграр секторининг асосий таянчи сифатида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, қишлоқда ҳаёт сифатини белгилайдиган фермерлар қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш жараёнида фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ҳам ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси бўлган 300 нафар фермер Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлик палатасида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга қўмаклашиш борасида депутатлар корпуси фаолиятини оширишга бағишланган форум бўлиб ўтди.

Шунингдек, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил август ойда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни ушбу муҳим масалани ҳал этишга қаратилган.

Тadbirkor ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида жойлардаги ҳокимият вакили органларида депутатлар фаолиятини жонлантириш зарурлиги ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий билим ва малакага эга, ўз фаолиятида салмоқли ютуқларга эришишга қодир янги авлод фермерларни тарбиялаш ҳам долзарб масаладир. Мазкур вазирларни амалга оширишда мамлакатимизда ўзига хос деҳқончилик мактаби яратган илғор фермерлар таърибасини кенг ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Сардор ТОЖИБЕВ, ЎЗА мухбири.

Андижон Вилояти

ТЕЖАМКОР УСУЛ — ФЕРМЕРГА МАЪҚУЛ

Дарёлар, сойлар, канал ва ариқларда оқётган сувнинг далага етиб бориши ҳамда экинларга ҳаёт бахш этиши, ҳосилнинг яратилиши салмоқли маблагини талаб этаётганлиги сир эмас. Минтақамиз иқлими нисбатан кўрғонли бўлиб, бу борда анчагина қийинчиликлар мавжудлиги ҳам бор гап. Ҳар томчи сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жиззах пластмасса буюмлари заводидан ишлаб чиқаришга жорий этилган шланглар ёрдамида галла ва гўзани сугориш технологияси қулайлиги, энг муҳими, тежамкорлиги борасида самарали усул эканлиги тажрибалар давомида ўз исботини топмоқда. Жумладан, жорий йилда Бўз туманидаги Сойибжон Гулмуродов раҳбарлик қилаётган "Гулмурод замини" фермер хўжалигида вегетация даврида гўзани янги технология асосида сугориш бўйича тажриба ўтказилди.

Фермер хўжалигининг пахта етиштиришга ажратилган майдони 25,8 гектар эди. Шундан 11 гектари шланг ёрдамида сугорилди. Хирмон кўтарилганда аънавий ва янги технология ўртасидаги ҳосилдорлик қийинчилиги. Ижобий фарқ янгилик фойдасига 5 центнерга тўғри келди. Янгилик берган самара фақат ҳосилдорлик эмас, балки тежамкорликда ҳам юқори натижа берганлиги маълум бўлди. Яъни сувдан фойдаланиш давомида эски усулга нисбатан тежамкорлик 40-50 фоизга етди. Бундай кўрсаткичга эришишнинг нафи қай даражада самарали эканлигини сув келтирган мироб ва сувчи билди.

Гўзанингни айни сувга талаби орган шароитида оддий усулда сугориш тупроқ шароитига қараб камида тўрт кун вақт талаб этади. Қолаверса, сув тараш, эгитларда унинг оқибати бир меъёрга келтириш учун вақт ва куч зарур. Янги технологияга эса бунинг акси. Шланглардан бир хил миқдорда сув тушади, эгит бошидан сув оқибати натижа берганлиги маълум бўлди. Лўнда қилиб айтсак, бирор туп экин сувдан бебаҳра қолмайди.

Фермерларга тавсия этилаётган битта модуль бир вақтинг ўзиде 4 гектар майдондаги гўзани сугориш имкониятига эга. Бунинг учун икки нафар сувчи қифоя. Бу модуль ишлатишга қулай, айни вақтда унинг иқтисодий самардорлиги ҳам фермерни қониқтиради...

лингки, бехато кўчат пайдо бўлади. Айни янги технология бу борда ўзининг самарасини янада кўпроқ намоён этади, деган фикр барчаннинг кўнглидан ўтди.

Худди шундай тажриба Избоскан туманидаги "Худойберганов Умарали ҳосили" фермер хўжалигида ҳам олиб борилмоқда. Бир неча кундан буён вилоятдаги аксарият фермерлар ва мутахассислар мазкур хўжаликларда жорий этилган янги технология билан танишмоқдалар. Ҳатто қўшни наманганлик ва фарғоналик фермерлар ҳам бу усулга қизиқиш билан қараб, ҳамкасблари билан фикр алмашмоқдалар.

— Замон янгиликка очик юз билан қарашни тақозо этмоқда, — дейди Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов. — Тўғри, онгимизга сингир кетган эскича қарашдан воз кечиш қийин кечади. Кўз кўрмоқ — кўл ботир, деб бекорга айтишмаган-

ТАЖРИБАДА ҲИҚМАТ КўП



лигини ҳам унутмайлик. Утган ашорининг 90-йиллари бошида шоланин кўчат қилиб экиш бўйича ҳаракат бошланганда айрим деҳқонларнинг энсаси котганлигини биламиз. Бугун вилоятда етиштирилаётган шоланинғ нақ 90 фоизи кўчат усулида парвариш қилинаётганлиги ҳақиқат. Ёки томчилатиб сугоришни олайлик. Мазкур янгиликни ҳам бир муддат ҳам қилолмаган эдик. Энди эса иссиқхонага эга бўлган айтарли барча хонадонларда томчилатиб сугориш усули жорий этилган. Интенсив боғлар ҳам шу усулда сугорилмоқ-

Қобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЎБИГА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР ТАРАҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда эришилаётган ютуқларнинг муҳим омилидан бири — молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётганидир. Бугун банкларнинг барча жабҳада фаоллиги, етакчилиги яққол кўзга ташланмоқда. Бунёдкорлик, сановат, қишлоқ хўжалиги бўладими, янги иш ўринлари ташкил этиш, коллеж битирувчиларининг катта ҳаётга дадил кириб боришига шароит яратиш, ўй меҳнати, оилавий бизнесни ривожлантириш бўладими, буларнинг барчасида банкнинг иштироки — молиявий мадади катта бўлмоқда.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

Қариш туманидаги Мирмирон маҳалласида барпо этилган шинам ва қўркам уй-жойларни, бозор, супермаркет, ماشини хизмат кўрсатиш маркази, нововойхона, болалар майдончаси, кенг ва тоза кўчаларни қўриб, кўнгила завоққа тўлади. Барча қулайликларга эга, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 290 уй-жой маҳалла кўригига кўрқ, фойз бағишлани билан бирга янги хонадон соҳибларининг ободликда ва фаровон турмуши кеңиришига хизмат қилмоқда.

Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ ҳам ана шундай — улум мақсадларга камарбаста бўлаётган, эзгу ишларни молиялаштиратган, истиқболли лойиҳаларга сармоя ажратётган молия муассасаларидан биридир. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида олиб борилган ишларни таҳлил этганда ҳам бунга амин бўламиз.

Банк жамоаси молия муассасасининг 42 та филиали, 50 та минибанк ва 235 дан ортиқ шохобчаси орқали 390 мингдан ортиқ миқрозга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Молия муассасасининг барча филиалларидаги «Тадбиркорлар зонаси» да маслҳат ва зарурий маълумотлар р натижасида банк капитали йил бошига нисбатан 45,5 фоизга ошди. Жами кредит кўйилмаларининг 7 фоизи сановат, 5,5 фоизи савдо ва умумий овқатланниш, 3 фоизи қурилиш ва транспорт, 3 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлса, қолган қисми имтиёзли ипотека кредитлари ва иқтисодиётнинг бошқа турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Энг муҳими, ушбу рақамлар ортида миқроз манфаати, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳалари, янги иш ўринлари, юрт фаровонлиги, пиروвардида эса, иқтисодий юксалиш намён бўлиб турибди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Карорларига мувофиқ аҳолининг кам таъминланган қатламнинг бандлигини таъминлаш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида 3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқдаги келажакка ишонч, Ватанга меҳр, бунёдкорлик туйғуси, қолаверса, яратилаётган шароитлар боис қишлоқларимиз жамоли тобора қўркамлашиб бораётири. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда бошланган ва бугун тобора кенг қўламли кесиб бораётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари қишлоқларимизда кўнглини тубдан ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. 2009 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган махсус Давлат дастури қишлоқлар қиёфаси

замонавий архитектура, сановат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилас, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникациялари барпо этиш борасида аниқ мақсадли ишларнинг бажарилишига асос бўлмоқда. Обод турмуш йилда юртимиз худудларида 353 массивда 10 мингта яқка тартибдаги янги уй-жойлар бунёд этилмоқда. Уларнинг 8182 таси «Қишлоқ қурилиш банк», 1198 таси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, 620 таси «Ипотека банк» томонидан молиялаштирилмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан шундай уш мақсадда 467,8 миллиард сўм аҳоли маблағлари хисобидан, 523,7 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредитлари хисобидан, жами 991,5 миллиард сўм маблағ «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси худудий филиалларига ўтказиб берилди.

Бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар эса обод қишлоқларимиз жамолини янада яшнатиб, тараққиёт ва фаровонликдан сўзламоқда. Бу эса ҳар биримизнинг кўнглимизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, янги-янги режалар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимлашга ундамоқда. Юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга масъулиятимизни оширмоқда.

Банк матбуот хизмати

Лот-37/1. Наманган вилояти Наманган тумани «Ирвадон» ҚФЙ «З-Ирвадон» аҳоли пунктида қуриладиган уй-жойлар худудини ободонлаштириш.
Бошланғич нархи ҚҚС билан 181 250 199 сўм, ҚҚСсиз 151 041 833 сўм. **Бажариш мuddати 2014 йил 1 июль.**

Лот-37/2. Наманган вилояти Учқўрғон тумани «Хамза» ҚФЙ «Каттамоғол» МФЙда қуриладиган уй-жойлар худудини ободонлаштириш.
Бошланғич нархи ҚҚС билан 116 375 672 сўм, ҚҚСсиз 96 979 727 сўм. **Бажариш мuddати 2014 йил 1 июль.**

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105 уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (8-369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Республика йўл жағфармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Диққат: 500 миллион сўмга қайта баҳолаб бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрати ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида

Молиявий мадади катта бўлмоқда.



Навоий шаҳридаги «Umid 2001» хусусий фирмаси цехида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Навоий филиали томонидан берилган кредит эвазига ўрнатилган замонавий технология кўмағида қурилган беш тонна уйдан 8 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётири. «Мижоз банк учун эмас, банк миқроз учун» тамойили ҳам юртимизда тадбиркорлар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганнинг ёрқин намунасидир.

Банк томонидан одамларнинг орзу-ниятларини

Эълонлар

«KOSMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг 2013 йил 2 июлдаги 01-02/362-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақдоран қўйилмоқда:
1. Тоқорлик ва электр пайвандлаш цехи биноси учун Хатирчи тумани «Оқ олтин» ҚФЙ А.Ҳалимов номли массивдан 600 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 94 410 сўм.
Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.
Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 12 декабрь кuni соат 18:00 да тўхтаилади.
Талабгорларнинг конвертлари Хатирчи тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 13 декабрь кuni соат 11:00 да очилади, 2013 йил 13 декабрь кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.
Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбу-

риятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини АТИБ «Ипотека банк» Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридан ҳақ эвазига олади.
Талабгорлар буюртманомана билан бирга куйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:
- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчасига зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчининг манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, 22-4-44-01, user07@inbox.uz. www.1kms.uz. Лицензия RR 0001.
СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарэ вилояти Қизирқ тумани ҳокими биринчи ўринбосарининг 2013 йил 30 октябрдаги 01-14/287-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақдоран қўйилмоқда:
1. Офис, савдо ва ماشини хизматлар нуқталари қуриш учун Қизирқ тумани «Сарик» ШФЙ Рабатқ маҳалласи худудига жойлашган, умумий ер майдони 192 кв.м., умумий қурилиш майдони 152 кв.м. бўлган 2-мажмуадаги 1 дونا, 7-сонли қурилиш майдони 34,4 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 20 365 сўм.
Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қизирқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.
Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат

10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 26 ноябрь кuni соат 18:00 да тўхтаилади.
Талабгорларнинг конвертлари Қизирқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 27 ноябрь кuni соат 11:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.
Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 27 ноябрдаги танловда сўтлмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 13 декабрь ва 2014 йил 2 январь кунлари соат 18:00 да тўхтаилади.
Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қизирқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 11:00 да очилади, 2013 йил 16 декабрь ва 2014 йил 3 январь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.
Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги: МФО 01063, СТИР 207122519, 2020800004920609027 х/р га

«Universal Auktion Invest» МЧЖ
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 10 декабрь кuni соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар А.Темур шоҳ кўчаси 3а-уйда жойлашган **Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаментига** қарши 2003 й. и/ч «Дамас» русумли, д/р 01 186 МВА, бошланғич баҳоси 3 947 402 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 10 декабрь кунинда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 17 ва 24 декабрь ҳамда ҳар хафтагини сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси голиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчасига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда комиссияс йиғи тўланади. Талабгорлардан аризалар ҳар кuni (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача куйида қўрсатилган манзила қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхта-

тилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Зақалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «Universal auktion invest» МЧЖнинг ОАТ «Турон банк» Ҳамза филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 2020800004932168025 хисобқўрамага тўлашлари ва куйида қўрсатилган ҳужжатларни топшириш шарт: аукцион савдосида қатнашшиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар қўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдолари ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Истиқбол кўчаси 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67, Факс: 236-26-65.

Гувоҳнома № 004059

ТҲЙ – КИМ ҲЗАРЛИК ПОЙГАСИ ЭМАС

ЁКИ ТҲЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ҲЙЛАРИМИЗ НЕГА КАМАЙМАЙПТИ?

Ҳар бир инсон бахти — оиласи бахтиёрлиги билан тўқис. Оила мўқаддас кўрғон. Унинг мустақамлиги эса пойдеворида боғлиқ. Оила бунёд этилаётган пайтда қилинадиган тўй ҳам бунда мўхим аҳамият касб этади. Ниҳоят тўйларидаги ортикча сарф-харажатлар, урфга кираётган айрим одатларга қилинаётган чимлар эндигина барпо этилган оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Аслини олганда, келинга олинадиган сеплар рўйхатига янги-янги сарполару мебеллар қўйишни, йиллар давомида мисқолаб йирилган пуларни бир кунда совуришни, бир жумла билан, ўз меҳнати қадрини ерга уриш, деб баҳолаш мумкин. Келинг, бунга ҳаётий мисолларда кўриб чиқайлик. — Яқинда бир дугонанинг тўйига бордим, — дейди навоийлик Гулмира Толибжонова. — Базм дастурхонига тортилаётган 3-4 хил овқат, турли хил салату пишиқларни кўриб, ҳавасим келди. Буларнинг барчаси фаровонлигимиз, дастурхонимиз тўқилишига белгиси эди. Аммо мени янада ҳайратга солгани, тўғривоғи, гашимини келтиргани уларнинг асарияти тўй охирида исроф бўлиб қолгани бўлди. — Миллий қадриятларимизни менсимаслик, тўй маросимларини ҳаддан зиёд дабдалаб ўтказиш, ўсиб келаётган ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишига қолмай, кенг жамоатчилик эътирозига ҳам сабаб бўлаётган, — дейди Навоий вилояти бош имом хативи Тоҳир Рўзиёев. — Аслида динимизда тўй қилишдан асл мақсад никоҳни билдириш ва икки ёшнинг бахтига дуо қилишдир. Ҳозир эса тўй

олдидан бўлажак келинга қилинадиган сеп ва сарполарнинг адоки йўқ. Шарият юзасидан айтадиган бўлсак, тўй олдида қиз тарафга ўғил томонининг "уни ол, буну ол", деб шарт қўйиши ҳам нотўғри. Чунки қурилажак оиланинг моддий эҳтиёжини таъминлаш эрак кишининг зиммасидадир. Қолаверса, ўзбошимчилик билан қилинган тўй исрофгарчилик олиб келади. Исрофгарчилик ношукриқдан келиб чиқади. Ношукриқ оиладан баракани ва нёматни кетказди. Инсон бахтини унинг бошидан кеңирадиган бир кунлик тўй белгилаб бермайди. Бахт моддий бойликка бўлган нафси жиловлаш билан эр-хотиннинг аҳиллиги, меҳрақибатидадир. — Мен ўзига тўқ оилага келин бўлиб тушганман, — дейди хатирчилик Сарвиноз Бобоқонова. — Ота-онам оддий ишчи бўлишгани учун кўёв томон айтган мебель ва сарполарнинг ҳаммасини рисоладайдек қила олишмаган. Ҳозир 2 нафар фарзандим бор. Бироқ ҳанузгача қайнонам буну юзмига солади. Халқимизда "Сепли келин бўлгунча, эпли келин бўл", деган мақол бор. Бу борада айрим қайноналарнинг арзимасган мато, идеш-товоқ, мебель учун келини-



Мулоҳаза

га ноҳўя гапларни гапириб, жанжал қилиши тўғримикин? Эҳтибор берадиган бўлсак, келачик пайтда "кичик тўйчалар" ҳам жуда кўпайиб кетди. Фотиҳа тўйи, қизлар давраси, катта тўй, келин салом, келин қаққирди, кўёв қаққирди, бешик тўйи, хатна тўйи, муғал тўйи, хулласи, санасак адоғига етиш қийин. Яна денг, ҳар бири маблағсиз, сарполарсиз ўтмайди. Энг ёмони, бундан бошқаларнинг андоза олаётганидир. — Яқинда бир ҳамкасбим ўғлининг тўйини жуда дабдалаб ўтказди, — дейди педагог Собиржон Тиловердиев. — Тўйдан сўнг, сарфлаган маблағини эшитиб, очиги ёқамни ушладим. Бундай пайтда ҳар қим қўрқасига қараб, оёқ узатса, оилавий можаролар ҳам кам бўларди. — Ҳа, "Бор товоғим, кел товоғим" қабилида иш тугиб, тўйларда ис-

рофгарчиликка йўл қўйиш оқибатида турли кўнгилсизликлар ҳам келиб чиқмоқда. Демак, ортикча дабдалаб янги қуриланган оила кўрғонининг мустақамлиги эмас, балки дарз кетишига олиб келаётган. — Удумларимиз ҳам бор бўлинди, — дейди пенсионер Ботиралли Соипов. — Айрим тўйларга борганда, машиналарнинг шовқин билан қилиб келаётганини кўриб, ажабланасан киши. Уларнинг сони 10-15 тагача етгапти. Эшитишимча, бу машиналар ҳар бири 2-3 соатлик хизмати учун тўй эгасидан яхши ўтказди, — дейди педагог Собиржон Тиловердиев. — Тўйдан сўнг, сарфлаган маблағини эшитиб, очиги ёқамни ушладим. Бундай пайтда ҳар қим қўрқасига қараб, оёқ узатса, оилавий можаролар ҳам кам бўларди. — Ҳа, "Бор товоғим, кел товоғим" қабилида иш тугиб, тўйларда ис-

раси ўлароқ, маросимларимиз анча ихчам тарзда ўтадиган бўлди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий шахар бўлинимаси бош мутахассиси Дилфуза Атавуллаева. — Аммо баъзи оилаларда ҳали бешиқдаги бола учун юзлаб одам қаққирди, хашаматли ресторанларда бешик тўйи ўтказётганлар ҳам учраб турибди. Аввало, бу ҳақда ота-оналар мулоҳазасига юритиб, пулини боланинг яхши яшаши, или олиши йўлида сарфласалар мақсадга мувофиқ бўларди. Тўйларнинг ўтказилишини тартибга солишда, бу борада аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари каби ташкилотлар қатори кўпни кўрган ёши улус инсонлар ҳам ўз хиссаларини қўшса, нур устига нур бўларди.

Раъно РАБИМОВА



СПОРТ

ФУТБОЛ

«НАСАФ» ВАКИЛЛАРИ СҲРОВНОМА ФОЛИБИ

Ўзбекистон чемпионатининг октябрь ойидаги энг яхши футболчиси ва мураббийини аниқлаш бўйича ОАВ ходимлари, журналистлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, "Насаф" бош мураббийи Рўзиқул Бердиев ва жамоа сардори Артур Геворкян октябрь ойининг энг яхшилари, деб топилди.



Сўровнома Олий лига, Биринчи лига ва ЎзПФЛ тасарруфидидаги бошқа мусобақаларда иштирок этаётган жамоалар вакиллари ўртасида ўтказилиб, журналистлар бу сафар жами саккиз нафар мураббий, шунингдек, Олий лига клубларида тўп сураётган 17 нафар футболчига овоз беришди. Октябрни Рўзиқул Бердиев шогирдлари кўтаринки кайфиятда ўтказишди. Септябрь ойининг энг яхши мураббийи — Амет Мемет қўл остидаги "Нефтчи" жамоаси устидан 2:0 ҳисобидида ғалаба билан бошланган ой давомида "Шўртан" 4:1, "Навбахор" 5:0 ва "Бўхоро" 5:1 ҳисобларида мағлуб этилди. Рақиб жамоалар дарвозасига жами 16 та гол киритилиб, иккита гол ўтказиб юборилди. Қайд этиш лозимки, ноябрь ойи ҳам жамоа учун муваффақиятли бошланди. Олий лиганинг 25-туридан ўрин олган учрашувда насафчилар ниҳоят "Бунёкдор"ни мағлуб этишнинг урдасидан чиқшиди. Ва учрашувдаги ягона гол айнан Артур Геворкян ҳисобига ёзилди.

Геворкян октябр ойида "Шўртан" ва "Навбахор" дарвозасига иккитадан гол урган бўлса, "Бўхоро"га қарши кенган баҳсда битта гол киритиб, жамоадешларининг иккита голига ҳаммуаллифлик қилди. Рўзиқул Бердиев бунгача май-август ойлари давомида тўрт марта ойнинг энг яхши мураббийи, Артур Геворкян эса май, июнь ва август ойларида, жами уч марта ойнинг энг яхши футболчиси, деб топилганди. Март-ноябрь ойлари — тўққиз ой давомида ўтказилган «Ойнинг энг яхши футболчиси ва мураббийи» сўровномасининг ҳозирча тўртта сардори Артур Геворкян, бешта сардори Рўзиқул Бердиев ғолиб деб топилди. Ойнинг энг яхши футболчиси ва мураббийи танловларининг натижалари мавсум охирида умумлаштирилиб, ЎзПФЛнинг 2013 йилдаги энг яхши футболчиси ва мураббийи номи аниқланади.

ФУТЗАЛ

ИШТИРОКЧИ ЖАМОАЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида футзал бўйича Осиё чемпионати саралаш баҳслари ўтказилаётгани ҳақида аввал хабар қилган эдик. Кўни кеча учрашувларнинг сўнгги — 3-тур баҳслари бўлиб ўтди.



Маълумки, вакилларимиз 2-турдан кейинроқ вазифини удалашдан, 3-тур қитъа чемпионатида минтақамиздан иштирок этадиган қолган икки терма жамоани аниқлаб бериши лозим эди.

Дастлаб майдонга Тожикистон ва Туркменистон терма жамоаси аъзолари тушди. Учрашувда Тожикистон вакиллари 5:4 ҳисобида ғалаба қозониб, саралаш баҳсларида жамоалар оқчалари сонини 6 тага етказишди ва келаси йил Вьетнамда бўлиб ўтадиган қитъа чемпионати йўлланмасини қўлга киритган иккинчи жамоага айланди. Учрашувнинг 5-дақиқасига келиб туркменистонликлар рақиб дарвозасини 3 марта ишғол қилишга улгурганди. Аммо биринчи бўлим якунига қадар тожикистонликлар ҳисобини тенглаштиришга эришди. Иккинчи бўлимин туркменистонликлар фаол бошлашди ва 27-дақиқада яна ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Тожикистонликлар эса ўша дақиқанинг ўзида ҳисобини тенглаштириб, орадан бир дақиқа ўтганидан кейин эса ниҳоят ҳисобда олдинга чиқиб олишди ва ютуқни сақлаб қолшга муваффақ бўлишди. Шу тариқа Туркменистон футзалчилари 1 очко билан иштирокчилари якунлашди.

Шунда ҳам уларнинг кейинги босқичга чиқиб имкониятлари бўлиб, бунинг учун вакилларимиз Қирғизистон терма жамоасини 7 та тўп фарқи билан ютиши керак эди. Учрашувда футзалчиларимиз рақибларини 5:1 ҳисобида енгишди. Ва қитъа чемпионатида минтақамиздан иштирок этиш имконияти қирғизистонликларга насиб этди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Бўхоро Вилояти

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири саналади. Бу ерда қайта ишланаётган нефть ва нефть маҳсулотлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида олиб борилаётган яратувчанлик ишларининг бир маромда кечишида мўхим омили бўлмоқда.



Нефть маҳсулотларининг тез ёнувчанлик хусусиятини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай улкан саноат иншоотининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳа ходимлари зиммасидаги ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади. Корхонада ёнғин билан боғлиқ ноҳус ҳодиса ва талафотларнинг олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган худудларда электр асбоб-ускуналарини ишлаштириш, эҳтиёткорлиқни талаб этадиган жиҳоз ҳамда мосламалардан фойдаланишда ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Худудга олиб келинаётган ёнғинга хавфли хомашё ҳамда бошқа маҳсулотларнинг ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида сақлашни чоралари кўришмоқда. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари иштирокида турли тадбирлар ўтказилиб, корхона жамоаси ўртасида соҳага оид тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб боришмоқда. Корхонада ташкил этилган "Кўнглили ўт ўчириш гуруҳи" эса бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Соҳиб ОЧИЛОВ,
Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи
Электр тажриба лабораторияси бошлиғи.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасы Марказий кенгаши

Мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарларида эл-юрт саломатлигини йўлида келаю кундуз ёнққуярлик қилиб келаётган барфа пилбвиёт ходимларини касб байрами — Пилбвиёт ходимлари кўни билан муубаққоб этади.

Юртодешларимизга пинлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонларига қут-баракат, яхши кайфият ва оилавий бахт тилаймиз.



Реклама ва эълонлар

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнопарк комплекси таркибидида ҳамда шу тармакка дахлдор вазирилк ва идоралар.
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Улўбек УЗОҚОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ГҲЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масул котиб).

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз. техники производства Беларусь.
Гарант Лизинг
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь
Тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99895) 377-13-95.